O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2008 йил 28 август, № 169 (4579) Пайшанба

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 27 август куни Оқсаройда «Korean Air» авиакомпанияси раиси Чо Янг Хони қабул қилди.***



Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон-Корея муносабатлари барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, бугунги учрашув ҳам бунинг яна бир тасдиғи эканини таъкидлади.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида авиация соҳасидаги алоқалар кўлами кенгайиб бораётир. Чо Янг Хонинг Ўзбекистонга бу галги ташрифи асносида Навоий шаҳри аэропортида халқаро логистика маркази очиш тўғрисидаги ҳужжатнинг имзолангани ҳамкорликнинг яна бир амалий натижаси бўлди.

Мамлакатимиз раҳбарининг жорий йил февраль ойида Корея Республикасига ташрифи чоғида "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси билан "Korean Air" ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланган эди. Ушбу ҳужжат икки авиакомпаниянинг жаҳоннинг янги бозорларидан жой олиш, Ўзбекистон логистика инфратузилмасини ривожлантириш, фуқаро авиациясини бошқаришда тажриба алмашиш, кадрлар тайёрлаш борасидаги амалий ҳамкорлигини ривожлантиришга хизмат қилади.

"Korean Air" ҳаво транспортида юк ташиш бўйича жаҳонда биринчи ўринда туради. Сеулда имзоланган меморандумга мувофиқ, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси "Korean Air" томонининг таклифига биноан 2008-2009 йилларда "Sky Team" халқаро авиация альянсига қўшилади. Йирик авиакомпанияларни бирлаштирган ушбу альянс дунёда йўловчи ва юк ташиш бўйича қатновларнинг 35 фоизини назорат қилади. Мазкур альянс билан ҳамкорлик миллий авиакомпаниямизнинг халқаро авиатранспорт тизимига интеграциясини янада кучайтиришда, парвозларнинг хавфсизлигини ошириш ва мунтазамлигини таъминлашда янги имкониятлар очади.

Чо Янг Хо самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, ўзи раҳбарлик қиладиган авиакомпания ҳамкорликни бундан ҳам юқори поғоналарга олиб чиқишдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Суҳбат чоғида "Ўзбекистон ҳаво йўллари" билан "Korean Air" ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, биргаликда янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

**Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.**

# ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ДУШАНБЕ УЧРАШУВЛАРИ

*Душанбе, 27 август. ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.*

***ШҲТ саммитида қатнашиш учун Душанбега келган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни шаҳар аэропортида Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон кутиб олди.***

Шу куни "Коҳи Сомон" саройида Ислом Каримов ва Имомали Раҳмоннинг учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида 2000 йилнинг июнида имзоланган Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома амал қилади. Мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан кейин Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида жами юздан зиёд икки томонлама ҳужжат имзоланган.

Иқтисодий ҳамкорликка оид кўрсаткичлар йилдан-йилга ошиб бормоқда. 2007 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 207,8 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

— Ўзбек ва тожик халқлари икки тилда сўзлашувчи бир халқдир, — деди Ислом Каримов. — Бугунги учрашув ўзаро муносабатларга доир долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имкониятдир.

— Оғир дамларда Ўзбекистон раҳбарияти ва халқи кўрсатган ёрдамни Тожикистон халқи асло унутмайди, — деди Имомали Раҳмон. — ШҲТ саммити арафасида дўст мамлакат раҳбарини юртимизда қутлашдан мамнунмиз.

Суҳбат чоғида Президентлар Ўзбекистон-Тожикистон муносабатларига доир масалалар, минтақавий хавфсизлик муаммолари юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Мамлакатимиз раҳбарининг Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан учрашувида ушбу мулоқот икки томонлама манфаатли ҳамкорлик алоқалари ҳақида фикрлашиб олиш учун яхши фурсат экани таъкидланди.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорлик йил сайин ривожланиб бормоқда. 2007 йилда икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми қарийб 1,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Жорий йилнинг январь-май ойларида бу кўрсаткич 650,3 миллион долларга етди.

Президентлар ҳамкорликнинг ҳозирги босқичига юқори баҳо бердилар. Сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳадаги алоқаларни янада фаоллаштиришга оид масалалар, ШҲТ доирасидаги ҳамкорлик, ўзларини қизиқтирган халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу куни Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев билан ҳам учрашди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар 2005 йилнинг ноябрида имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома руҳида ривожланиб бормоқда.

Ислом Каримов Ўзбекистон Россияни ишончли стратегик шерик деб билишини ва ўзаро ҳамкорликни юксак қадрлашини таъкидлади.

Дмитрий Медведев бугунги учрашув икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришда муҳим ўрин тутишини қайд этди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида иқтисодий ва сармоявий йўналишдаги ҳамкорлик кўлами изчил кенгаймоқда. Ўзбекистон ташқи савдосининг қарийб 30 фоизи Россия ҳисобига тўғри келади. 2007 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 4 миллиард АҚШ долларидан ошди. 2008 йилнинг дастлабки беш ойида бу кўрсаткич 1,6 миллиард доллардан кўпроқни ташкил қилди. Ўзбекистоннинг Россияга экспортида саноат маҳсулотлари ҳажми ошиб бораётгани, айниқса, диққатга сазовордир.

Ислом Каримов ва Дмитрий Медведев икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболларини муҳокама қилдилар, минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

**(ЎзА).**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ФУҚАРОЛАРНИ ХИЗМАТДАН БЎШАТИШ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВ ТЎҒРИСИДА

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилсин.

2. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2008 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши Котиби М. Атаев зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 27 август

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ЕТТИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишдаги катта хизматлари, кўп йиллик самарали меҳнати билан қишлоқ ва сув хўжалиги, саноат, транспорт, алоқа, фуқаро авиацияси ҳамда қурилиш соҳаларини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:*

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор»**

**Бутаев Миртазакул Отақулович** — Дўстлик туманидаги "Эшниёз бобо" фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

**Жумаев Хасан** — Касби туманидаги "Жумаев Ҳасан бобо" фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими»**

**Алиёров Умбар Абдузоирович** — Шерobод туманидаги "Одил" фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

**Ашурматов Ойбек Шодмонқулович** — Сирдарё вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари

**Бабабеков Каландар** — Республика Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё маркази бош директорининг ўринбосари

**Бердикулов Асатулла Ҳасанович** — Сардоба туманидаги А.Қодирий номли фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

**Йўлдошев Комилжон Кимсанович** — Шаҳрихон туманидаги "Машина-трактор парки" акциядорлик жамиятининг комбайн оператори, Андижон вилояти

**Эрманов Фарход Уразбоевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи»**

**Отаханова Уғилхон** — Чортоқ туманидаги "Собитхон Обидхон" фермер хўжалиги пиллачиси, Наманган вилояти

**Шерматова Кимё Яхиёевна** — Оққўрғон туманидаги Сегизбоев номли фермер хўжаликлари уюшмаси пиллачиси, Тошкент вилояти

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор»**

**Шакаров Тўрабой Джумаевич** — Нурота туманидаги "Нурота" ширкат хўжалиги бош чўпони, Навоий вилояти

**Ғафуров Увайдулла Шукурович** — Қўшработ туманидаги Очил Қодиров номли ширкат хўжалиги бош чўпони, Самарқанд вилояти

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор»**

**Сафаев Комулжон Маткаримович** — "Қуйи Амударё ирригация тизимлари" ҳавза бошқармаси "Тошсоқа" ирригация бошқармасининг участка гидротехниги, Хоразм вилояти

**Қурбонов Субхон Хурсанович** — "Аму-Бухоро" ирригация бошқармасининг туманлараро тизими бош ирригатори, Бухоро вилояти

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими»**

**Вахабов Арипхўжа Абидханович** — Бектемир туманидаги "Қуюв-механика заводи" шўъба корхонасининг цех бошлиғи, Тошкент шаҳри

**Умиров Турап Халикович** — "Ўзбеккўмир" акциядорлик бирлашмаси Ангрен кўмир конининг экскаватор машинисти, Тошкент вилояти

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи»**

**Гапуров Рузи Мирзаакбарович** — Сайхунобод тумани йўл хўжалиги пудрат, таъмирлаш-фойдаланиш корхонасининг йўл устаси, Сирдарё вилояти

**Эркабоев Рахматжон Хакимович** — Олтиариқ туманидаги "1-кўчма механизациялашган колонна" масъулияти чекланган жамияти бошқаруви раиси, Фарғона вилояти

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими»**

**Ахмедов Солижон Собирович** — "Фарғона-Телеком" филиали Учкўприк телекоммуникациялар боғланмасининг ишлаб чиқариш бошлиғи

**Мансуров Рустам Пулатович** — Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг "Электромагнит мослашув маркази" давлат унитар корхонаси бошлиғи

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими»**

**Джамирзаев Абдунаби Абдурахимович** — Учтепа туманидаги "18-автобус саройи" акциядорлик жамиятининг ҳайдовчиси, Тошкент шаҳри

**Сейтимов Толыбек Примбетович** — "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик темир йўл компанияси Қўнғирот локомотив депосининг тепловоз машинисти

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими»**

**Теляев Фархад Мухамадиевич** — "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси Учувчилар мажмуасининг "Боинг" самолёти командири

**Шишонков Борис Яковлевич** — "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси Махсус авиация ишлари авиакомпаниясининг учувчи-йўриқчиси

*Самарали меҳнати ва эришаётган ютуқлари билан мамлакатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий қудратини оширишга, шахсий ибрати билан халқимизни, айниқса, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қўшган улкан ҳиссаси, меҳнатсеварлиги, ватанпарварлиги, жамоат ишларидаги фаоллиги билан умумхалқ иззат-ҳурматига сазовор бўлганлиги учун қуйидагилар мукофотлансин:*

**«Эл-юрт ҳурмати» ордени билан**

**Артукбаева Хайтхан** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сирдарё вилояти бўлимининг масъул котиби

(Давоми 2-бетда).

**Бугун Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси очилади**

# ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА



***Кеча, 27 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И. Собиров олиб борди.***

Кенгаш аъзолари Олий Мажлис Сенатининг Раиси ўринбосари Ф. Муҳитдинованинг парламент юқори палатасининг ўн бешинчи ялпи мажлисига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир ишлар ҳақидаги ахборотини тинглаб, маълумот учун қабул қилдилар.

Қўмиталарнинг раислари навбатдаги ялпи мажлис муҳокамасига киритилаётган қонунлар юзасидан хулосалар ва бошқа масалаларга оид қарорлар тайёр эканлиги ҳақида ахборот бердилар, мажлис ишини ташкил этиш юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Кенгаш мажлисида таъкидланганидек, Сенатнинг бўлажак ялпи мажлисида йигирмага яқин масала, шу жумладан, амнистия масаласи, «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги, «Музейлар тўғрисида»ги, «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилиш билан боғлиқ қатор масалалар кўриб чиқилиши мўлжалланмоқда.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан Кенгаш тегишли қарорлар қабул қилди.

* * *

Шу куни Сенатнинг олтита қўмитасининг ҳаммасида мажлислар бўлиб ўтди, уларда ўн бешинчи ялпи мажлис

(Давоми 3-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ЕТТИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Ахмедова Улғузи Хайдаровна** — Қизириқ туманидаги "Наврўз" маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Сурхондарё вилояти

**Базаров Абдимурат** — Қамаши туманидаги "Бозор ўғли Абди" фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

**Жумаев Бевит** — Республика "Маҳалла" хайрия жамғармасининг Бухоро вилояти бўлими раиси

**Зуфаров Махамаджан Заирович** — Республика "Нуроний" жамғармасининг Тошкент шаҳри бўлими раиси

**Иномов Акрам** — "Жиззах овози" газетаси бош муҳаррири, Жиззах вилояти

**Каримова Угулжон Салаевна** — Тошкент ахборот технологиялари университетининг Урганч филиали қошидаги 1-академик лицей директори ўринбосари, Хоразм вилояти

**Кубаев Сунат** — Самарқанд шаҳридаги Мир Саид Барака номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси

**Муратов Мустафа** — Учқудуқ туманидаги "Мингбулоқ" овул фуқаролар йиғини раиси, Навоий вилояти

**Насимов Нумон** — Республика "Нуроний" жамғармасининг Тошкент вилояти бўлими раиси

**Низомов Тўлан** — Андижон вилоятидаги "Чўлпон" жамғармасининг фахрий раиси, шоир

**Салихов Шавкат Исмаилович** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти, Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси раиси

**Тургунов Сабир** — Наманган шаҳридаги 18-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Хожаназаров Улмамбет** — Қорақалпоғистон Республикаси "Маънавият тарғибот" маркази раиси

**Эркабаева Дилором Рамзоевна** — Қўқон шаҳридаги 17-"Меҳрибонлик уйи" тарбиячиси, Фарғона вилояти

*Мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга, маданий юксалишига ўзининг истеъдоди, билим ва тажрибаси билан муносиб ҳисса қўшган, юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш ҳамда халқ фаровонлигини оширишда фидойилик намуналарини кўрсатганлиги учун қуйидагилар мукофотлансин:*

### «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

**Алламуродов Мирза Ишматович** — Зарбдор туманидаги "Андижон" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Жиззах вилояти

**Ражабов Эсанбай** — Қашқадарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси

**Салимова Диларам Умирзаковна** — Қибрай туманидаги "Байтқўрғон" маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент вилояти

**Тургунов Азамжан** — Кувасой шаҳридаги "Кварц" акциядорлик жамиятининг хом ашё тайёрлаш цехи бошлиғи, Фарғона вилояти

**Умматов Шавкат Турсунович** — Оқолтин туманидаги У. Носир номли фермер хўжаликлари ҳудудий уюшмаси раҳбари, "Улуғбек" номли фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

**Файзиев Нишанбай** — "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясига қарашли Самарқанд темир йўл масофасининг катта йўл устаси

**Хаджиев Ашур** — «Қоровулбозор нефть ва газ қидирув экспедицияси» унитар шўъба корхонасининг бурғулаш устаси, Бухоро вилояти

**Хожамбердиев Адилбай Раметович** — "Тахиатош иссиқлик электр станцияси" очиқ акциядорлик жамиятининг смена бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

**Эгамбердиев Махмуджон Адашевич** — Янгиқўрғон тумани йўл хўжалиги пудрат, таъмирлаш-фойдаланиш корхонасининг асфальт ётқизиш машинисти, Наманган вилояти

**Юлдашева Ибодатхон Заитовна** — Асака туманидаги "Абдувоҳид ери" фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

*Республикамизнинг саноат, қишлоқ ва сув хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа ва хизмат кўрсатиш соҳаларини жаҳон андозалари асосида юксалтириш, фан-техника ютуқлари ва илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, тинчлик ҳамда барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидаги кўп йиллик самарали меҳнатлари учун қуйидагилар мукофотлансин:*

### «Меҳнат шуҳрати» ордени билан

**Абдуллаев Нигматилла** — Республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари

**Абраров Зиявиддин Сражиддинович** — Юнусобод туманидаги Мирзо Улуғбек номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри

**Агзамова Гульруҳ Анваровна** — Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари

**Ахмедова Ферузахон Солижоновна** — Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти қошидаги 2-академик лицейнинг директори, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси

**Гулямов Эркин Зайнутдинович** — "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг Парвозлар хавфсизлиги инспекцияси учувчи-инспектори

**Джалилов Собир Исомиддинович** — "Навоийазот" очиқ акциядорлик жамиятининг 12-цианид кислотаси цехи аппаратчиси

**Джамолидинов Тўлқинжон Абдупаттоевич** — "GM Ўзбекистон" ёпиқ акциядорлик жамиятининг сифат кафолати ва назорати бошқармаси устаси, Андижон вилояти

**Джураев Махмуд** — Наманган шаҳридаги ҳунарманд-тадбиркор, ёғоч ўймакор уста

**Донаев Шомурод Холбоевич** — Ғузор тумани ҳокими, Қашқадарё вилояти

**Зияева Мастурахон Азамовна** — Бувайда тумани ҳокимининг ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси, Фарғона вилояти

**Ибрагимходжаева Сурайя Абдухамидовна** — "Ўзгидромет" марказининг Гидрометеорологик маълумотлар билан таъминлаш хизмати муҳандиси

**Мирзаев Шокиржон Бахритдинович** — Қоракўл туманидаги "Ғолиб мебель" ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари, Бухоро вилояти

**Нормурадов Хасан Норбекович** — Республика "Нуроний" жамғармасининг Самарқанд вилояти бўлими раиси

**Нурутдинов Хашим Насридинович** — "Бекободцемремонт" масъулияти чекланган жамиятининг механика-йиғув цехи пармаловчиси, Тошкент вилояти

**Охунжанова Рислиғой** — Уйчи туманидаги ўсимликларни ҳимоя қилиш отряди раҳбари, Наманган вилояти

**Панжиев Фарҳод Қорёғдиевич** — "Аму-Қоракўл" ирригация тизимлари бошқармасининг экскаваторчиси, Бухоро вилояти

**Саиткулов Ахматжон Хусаинович** — "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг мартен цехи катта устаси, Тошкент вилояти

**Тогаев Кучкар** — Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари

**Тольбаев Жумамурат** — "Кўприкқурилиш" тресті давлат унитар корхонаси 14-кўприк қуриш отрядининг электрпайвандчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Усманов Рахманбек Джахангирович** — Тошкент шаҳар ҳокимининг капитал қурилиш, коммунал хўжалиги, ободонлаштириш, саноат ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари

**Шамсиев Талъатбек** — Миробод туманидаги "Ўзбекистон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри

**Элмурадов Ботир Кудратович** — Қамаши туманидаги "Чимқўрғон" кўчма сув қурилиш ташкилотининг бульдозер машинисти, Қашқадарё вилояти

**Юсупов Баходир Турсунович** — Чуст тумани ҳокими, Наманган вилояти

**Ярлакабов Турсунбой Эшанкулович** — "Сирдарё иссиқлик электр станцияси" очиқ акциядорлик жамиятининг электрчилангари, Сирдарё вилояти

**Қабилов Ташмурад Чариевич** — "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасининг Сурхондарё вилояти бўлими раиси

*Ватанимизда яшаётган барча миллат ва элатлар ўртасида ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва ҳар тарафлама ҳамкорликни ривожлантиришдаги катта хизматлари, ижтимоий-иқтисодий соҳалар ва бошқарув идораларидаги узоқ йиллик фидокорона меҳнати билан юртимиз тараққиётига қўшган самарали ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:*

### «Дўстлик» ордени билан

**Абдурахманова Махмуда Ахмеджановна** — Юнусобод туманидаги "Астробод" маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент шаҳри

**Адилов Камилжон Махаматкулович** — Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг доимий асосда ишловчи аъзоси

**Аминов Самат Хамраевич** — "Бухоро-Навоий" автомобиль йўлларини таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонасининг асфальт-бетон заводи пайвандчиси, Бухоро вилояти

**Ахмедов Адхам Джалолович** — Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Фарғона вилояти Кенгаши раиси

**Бабажанов Рўзмет Юлдашович** — Хива туманидаги "Арвик" маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Хоразм вилояти

**Баходирова Ҳайтгул** — Музработ туманидаги "Музработ" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Сурхондарё вилояти

**Бойко Юрий Григорьевич** — "Наманганмаш" очиқ акциядорлик жамиятининг токари, Наманган вилояти

**Вахапова Гулсанам** — "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасининг Тошкент вилояти бўлими раиси

**Гальянт Алексей Викторович** — "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" очиқ акциядорлик жамиятининг мис эритиш заводи эритувчиси, Тошкент вилояти

**Гома Татьяна Николаевна** — "Жиззахпластмасса" очиқ акциядорлик жамиятининг катта технологи, Жиззах вилояти

**Ерекеев Турганбай Таумуратович** — Қонликўл туманидаги "Қонликўл автокорхонаси" масъулияти чекланган жамиятининг ҳайдовчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Камалов Жумамурат** — "Қизкеткен-Кегейли" ирригация тизимлари бошқармасининг экскаватор машинисти, Қорақалпоғистон Республикаси

**Косякова Галина Дмитриевна** — Чилонзор туманидаги "Наққошлик уйи" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Тошкент шаҳри

**Кузнецов Алексей Павлович** — "Самарқанд автомобиль заводи" масъулияти чекланган жамиятининг устаси, Самарқанд вилояти

**Кучменко Владимир Ефимович** — Сирдарё вилояти сув кўтариш иншоотлари энергетика ва алоқа бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Мазничко Сергей Вадимович** — "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси "Uzbekistan airways technics" авиакорхонасининг цех муҳандиси

**Садиков Жанабай** — Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг доимий асосда ишловчи аъзоси

**Соатов Ойбек Асомович** — Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг котиби

**Тураева Бозоргул Мирзакуловна** — Фориш туманидаги "Фориш-текстил" хусусий саноат корхонаси раҳбари, Жиззах вилояти

**Усарова Халима Кабиловна** — Жомбой тумани ҳокимининг ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси, Самарқанд вилояти

**Хаджикулова Дилбар Эшмуратовна** — Ғузор тумани ҳокимининг ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси, Қашқадарё вилояти

**Юлдашева Тожибар Ўктамовна** — Хўжаобод туманидаги "Кўтарма" маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Андижон вилояти

**Кадирова Санобар Раджабовна** — Республика "Маънавият тарғибот" марказининг Кармана тумани бўлими раҳбари, Навоий вилояти

*Кўп йиллар давомида мамлакатимиз равнақи йўлида ҳалол меҳнат қилган, ҳозирги пайтда ҳам бой ҳаёт тажрибаси, маънавий фазилатлари билан эл-юртга ибрат бўлиб, ўгит-насиҳатлари билан ёшлар тарбиясига ўзларининг катта ҳиссасини қўшиб келаётган қуйидаги юз ёшдан ошган табаррук отахон ва онахонлар мукофотлансин:*

### «Шуҳрат» медали билан

**(100 ёшдан ошганлар)**

**Атажанова Тўлғон** — Янгибозор тумани, Хоразм вилояти

**Джумаева Ойтўхта** — Навбаҳор тумани, Навоий вилояти

**Джураев Ходжа** — Термиз тумани, Сурхондарё вилояти

**Джураева Кузибиби** — Миробод тумани, Тошкент шаҳри

**Мастонова Иноят** — Сўх тумани, Фарғона вилояти

**Назаров Рахмонкул** — Ургут тумани, Самарқанд вилояти

**Парпиев Ирал** — Оҳангарон тумани, Тошкент вилояти

**Рўзиева Хол** — Бухоро тумани, Бухоро вилояти

**Султанова Оққиз Курбонбоевна** — Ғаллаорол тумани, Жиззах вилояти

**Туранов Турдикул** — Сайхунобод тумани, Сирдарё вилояти

**Халатова Нурсулув** — Косонсой тумани, Наманган вилояти

**Хамракулова Олияхон** — Булоқбоши тумани, Андижон вилояти

**Шафаатова Аккара** — Қамаши тумани, Қашқадарё вилояти

**Юсупова Тути** — Тўрткўл тумани, Қорақалпоғистон Республикаси

*Жисмоний ногиронлигига қарамасдан қийинчилик ва тўсиқларни мардонавор енгиб, ўзининг азму шижоати, мустаҳкам иродаси ва фидойилик фазилатларини намоён этган ҳамда ёш авлод тарбияси, юрт тинчлиги ва жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган қуйидаги ватандошларимиз мукофотлансин:*

### «Жасорат» медали билан

**Абдуллаев Нурмухаммад** — Кармана тумани шифохонасининг "Тез тиббий ёрдам" бўлими диспетчери, Навоий вилояти

**Арслонов Бахтиёр Актамович** — Бухоро шаҳридаги телерадиоаппаратураларни таъмирлаш бўйича аҳолига хизмат кўрсатувчи уста

**Аскаров Абдунаби** — Бўз туманидаги телерадиоаппаратураларни таъмирлаш бўйича аҳолига хизмат кўрсатувчи уста, Андижон вилояти

**Бабаев Фарход Турдибекович** — Ўзбекистон Ногиронлар жамиятининг Боёвут туман бўлими раиси, Сирдарё вилояти

**Буранов Хамро** — Ўзбекистон кўзи ожизлар жамиятининг Қарши ўқув ишлаб-чиқариш комбинати ишчиси, Қашқадарё вилояти

**Маликов Хасан Норкузиевич** — Данғара туманидаги Автотранспорт касб-ҳунар коллежининг касбий таълим раҳбари, Фарғона вилояти

**Надиров Чори Очилдиевич** — Олтинсой телекоммуникация боғланмаси оператори, Сурхондарё вилояти

**Очилова Жанғил Юлдашовна** — Нарпай туманидаги "Нарпай Очил Юлдош" фермер хўжалиги бошлиғи, Самарқанд вилояти

**Саидов Рустамжон Иномович** — Мингбулоқ туманидаги электр двигателларни таъмирлаш бўйича тадбиркор уста, Наманган вилояти

**Сейтов Нургали Салиевич** — Тахтакўпир туманидаги хусусий ҳунарманд, Қорақалпоғистон Республикаси

**Солиев Икром Пўлатович** — Жиззах шаҳридаги "Одил Фарҳод" миллий ҳунармандчилик корхонаси устаси

**Ходжаев Бахтиёр Рустамович** — Ўртачирчиқ туманидаги "Ўзгинюонг" қўшма корхонаси ишчиси, Тошкент вилояти

**Худойберганова Дуймажон** — Урганч туманидаги 31-мактабнинг таълим-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари, Хоразм вилояти

**Худойқулов Қудрат Ботирали ўғли** — Чилонзор туманидаги "Байналмилал" ногиронлар футбол командасининг футболчиси, Тошкент шаҳри

*Ўзларининг тадбиркорлик ва ишбилармонлик фазилатларини намоён қилиб, ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларини ривожлантиришга, ислоҳотларнинг изчиллиги ва самарадорлигини таъминлашга катта ҳисса қўшаётган, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва мавқеини кучайтириш, миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш, ёшларни Ватанимизнинг муносиб фарзандлари этиб тарбиялаш, аҳолининг тинчлик ва осойишталигини муҳофаза этишда фаол қатнашаётганлардан қуйидагилар мукофотлансин:*

### «Шуҳрат» медали билан

**Аббосов Ашраф Мусаевич** — Самарқанд шаҳридаги «Шуҳрат Зиё Файз» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси

**Абдувалиев Улуғбек Астанакулович** — "Андижон-Телеком" акциядорлик жамиятининг Қўрғонтепа тумани бўлими электрмонтёри

**Абдуллаев Исмоилжон Иброхимович** — Учкўприк тумани йўл хўжалиги пудрат, таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси йўл ишчиси, Фарғона вилояти

**Азимов Абдуғаппор Абдувалиевич** — Тошкент шаҳридаги "Қўйлиқ кўприк темир-бетон қурилмалар тажриба заводи" акциядорлик жамиятининг кран машинисти

**Акбаров Сайфулла Сайдуллаевич** — Мирзо Улуғбек туманидаги "2519-автожамланма" очиқ акциядорлик жамиятининг автобус ҳайдовчиси, Тошкент шаҳри

**Алиев Вали** — Собир Раҳимов туманидаги "Кўксарой" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати чилангари, Тошкент шаҳри

**Аманов Абдурахман** — Мирзачўл туманидаги "Малика" боғдорчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

**Асқаров Отабек Турсунбоевич** — Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Уйчи туман Кенгаши раиси, Наманган вилояти

**Асракулов Рустам Онорович** — Наманган шаҳридаги "2-автокорхона" очиқ акциядорлик жамиятининг ҳайдовчиси

**Астанакулов Мехмонали Мамазияевич** — Бағдод туманидаги Сабибулло Муҳиддинов номли сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг экскаваторчиси, Фарғона вилояти

**Астанов Дилмурод Асамитдинович** — Навоий шаҳридаги "Аскомжтранс" масъулияти чекланган жамияти ҳайдовчиси

**Атамуратов Мурат Утепбергенович** — Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси

**Ахмеджанов Якубджан Бакиджанович** — Юнусобод туманидаги "8-автобус саройи" акциядорлик жамияти ҳайдовчиси, Тошкент шаҳри

**Байкараев Алишер Рузиевич** — Китоб туманидаги "Севаз-Андроникс" масъулияти чекланган жамияти директори, Қашқадарё вилояти

**Барноев Мўмин Аманович** — "АмуБухороканалқурилиш" акциядорлик жамиятининг 4-кўчма механизациялашган колоннаси экскаваторчиси, Бухоро вилояти

**Бегжанов Юлдаш** — Ҳамза туманидаги "Подъёмник" акциядорлик жамиятининг металл қирқувчиси, Тошкент шаҳри

**Бердиев Хусан Рузибаевич** — Узун туманидаги "Машина-трактор парки" акциядорлик жамиятининг комбайн оператори, Сурхондарё вилояти

**Бердиёров Мухамад Кудратович** — Оққўрғон туманидаги "Машина-трактор парки" акциядорлик жамиятининг механизатори, Тошкент вилояти

**Бобожонов Отаназар Кенжаевич** — Янгиариқ туманидаги "291-хўжаликлараро кўчма механизациялашган жамланма"нинг кран машинисти, Хоразм вилояти

**Бобоназаров Олим Нуназарович** — "Самарқанд-Телеком" шўъба корхонасининг Пахтачи тумани филиали монтёри, Самарқанд вилояти

**Бозоров Азодбой Рейимберганович** — "Урганчйўловчиташиш" очиқ акциядорлик жамиятининг ҳайдовчиси, Хоразм вилояти

**Ботиров Шукур Омонович** — "Зафаробод пахта тозалаш корхонаси" очиқ акциядорлик жамияти чилангари, Жиззах вилояти

**Бутаев Мадаминбек Махаматсобирович** — "Андижонкабель" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасининг техник назорат бўлими бошлиғи, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилоти раҳбари

**Вергун Сергей Васильевич** — Мирзо Улуғбек туманидаги "Тошкент лак-бўёқ заводи" акциядорлик жамиятининг фрезерчиси, Тошкент шаҳри

**Гадоев Алижон Акмалович** — Қизилтепа туманидаги "Машина-трактор парки" акциядорлик жамиятининг комбайн оператори, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Навоий вилояти Кенгаши аъзоси

**Гапуров Сайибжон Исмайилович** — "Фарғона-Телеком" Тошлоқ туман телекоммуникациялар боғланмаси Заркент телефон автомат станциясининг катта электрмеханиги, Фарғона вилояти

**Гуламов Шавкат Худайбердиевич** — Ҳамза туманидаги "1-автокорхона" акциядорлик жамиятининг ҳайдовчиси, Тошкент шаҳри

**Джалолов Халилдин Насирдинович** — Фарғона туманидаги Ў. Шахобов номли маҳалла фуқаролар йиғини посбони

**Джумаев Бахтиёр Бегматович** — Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Қумқўрғон туман Кенгаши раиси, Сурхондарё вилояти

**Джуманиязова Зинат Хаджаевна** — "Хоразм-Телеком" филиали телефонисти

**Джуракулов Байжигит** — Оқолтин туманидаги Усмон Носир номли сувдан фойдаланувчилар уюшмаси раиси, Сирдарё вилояти

**Жумабаев Эркин Кушимович** — Шовот тумани йўл хўжалиги пудрат, таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси автогрейдерчиси, Хоразм вилояти

**Жумаев Миролим Нурманович** — Муборак газни қайта ишлаш заводи унитар шўъба корхонасининг механика бўлими бошлиғи, Қашқадарё вилояти

**Жуманиязова Хожар** — Хонқа туманидаги "Нурметов Дилшод" фермер хўжалиги пиллачиси, Хоразм вилояти

**Жўраева Бахмал Искановна** — Бахмал туманидаги "Сарой" маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Жиззах вилояти

**Закиров Алимжон** — Жалолқудуқ туманидаги "Қўртқи" маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Андижон вилояти

**Заломский Георгий Федорович** — Сергели туманидаги "12-автобус саройи" очиқ акциядорлик жамияти ҳайдовчиси, Тошкент шаҳри

**Зикириллаева Умида Кудратовна** — Шаҳрисабз туманидаги "Наврўз" масъулияти чекланган жамиятининг тикувчиси, Қашқадарё вилояти

**Зоиров Сайфулло** — Вобкент туманидаги "200-хўжаликлараро кўчма механизациялашган колонна" очиқ акциядорлик жамиятининг сувоқчи-бўёқчиси, Бухоро вилояти

**Избасарова Насиба Адизовна** — Навбаҳор туманидаги "Пиллачи" шўъба корхонасининг агрономи, Навоий вилояти

**Икрамова Кабира** — Бўстонлиқ туманидаги "Конвин" қўшма корхонасининг оператори, Тошкент вилояти

**Имамов Хикматилла Рихсибаевич** — Юнусобод туманидаги "Асбобсоз" акциядорлик жамиятининг пайвандчиси, Тошкент шаҳри

**Иниятов Оралбай Каипович** — "Суўенли" ирригация тизимлари бошқармасининг экскаватор машинисти, Қорақалпоғистон Республикаси

**Исақов Абдирашид** — Наманган вилоят "Иссиқлик манбаи" ишлаб чиқариш бошқармасининг пайвандчиси

**Исанбекова Махбуба Усмановна** — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарма бошлиғининг ўринбосари

**Исманов Кадирберди Джурабаевич** — "Фарғона автотрансхизмат" масъулияти чекланган жамиятининг ҳайдовчиси

**Ишанкулов Бахтиёр Абдурасулович** — "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг пўлат қуювчиси, Тошкент вилояти

**Ишанкулова Гулида Абдужаббаровна** — "Оҳангаронцемент" очиқ акциядорлик жамиятининг тегирмон машинисти, Тошкент вилояти

**Йўлдошев Истат Ғуломович** — Бойсун туманидаги "256-хўжаликлараро механизациялашган кўчма жамланма" масъулияти чекланган жамиятининг ғишт терувчиси, Сурхондарё вилояти

**Кадиров Исхах** — "Кармана-Конимех" ирригация тизими бошқармасининг "Мавлон" канали катта муҳандиси, Навоий вилояти

**Казакова Равза Тургуновна** — Наманган шаҳридаги "Муштарий" акциядорлик жамиятининг тикувчиси

**Каримбаев Торабай** — Элликқалъа туманидаги "Бўстонсувқурилиш" масъулияти чекланган жамияти ғишт терувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Каримов Мирзахид Сабирович** — Чилонзор туманидаги "7-автокорхона" акциядорлик жамиятининг автобус ҳайдовчиси, Тошкент шаҳри

**Каримов Уткур Рахимович** — "Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат акциядорлик жамиятининг газпайвандчиси, Тошкент шаҳри

**Каримова Людмила Мавлановна** — Зомин туманидаги "Зебо" маиший хизмат кўрсатиш корхонасининг тикувчиси, Жиззах вилояти

**Касимов Абдугани Хабирович** — Собир Раҳимов туманидаги "Эътиқод" хусусий корхонаси раҳбари, Тошкент шаҳри

**Каюмов Одил Гапирович** — "Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат акциядорлик жамияти Андижон механика корхонасининг цех бошлиғи

**Кеждимов Танбай Жалелович** — Қораўзак туманидаги "Жалел" фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

**Кенжаев Нумонжон Комилович** — Ўзбекистон туманидаги "Қизил қақир" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Фарғона вилояти

**Кирюшин Владимир Иванович** — Яккасарой туманидаги "Куч бирликда-Коммуналчи" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Тошкент шаҳри

**Кислицина Ирина Александровна** — Юнусобод туманидаги "Фарангиз-коммунал" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Тошкент шаҳри

**Костина Вера Николаевна** — Миробод туманидаги "Ораз" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Тошкент шаҳри

**Кучкаров Артикбай** — Пахтаобод туманидаги "Қайир" фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

**Кучкаров Шоди** — Пайариқ туманидаги Алишер Навоий номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Самарқанд вилояти

**Манбетова Айзода Абдуллаевна** — Сергели туманидаги "Жаҳонаро гулдаста" уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Тошкент шаҳри

**Матниезов Холмурод Матчанович** — Беруний туманидаги "Берунийоролсувқурилиш" масъулияти чекланган жамиятининг кран машинисти, Қорақалпоғистон Республикаси

**Матякубова Салия** — Янгибозор туманидаги "Хушнуд" фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

**Махмудов Бахтиёр Мирзахмадович** — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг бўлим бошлиғи

**Махмудов Журахон** — Чуст туманидаги "Шоён" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Наманган вилояти

**Медетбеков Наби** — Тахтакўпир туманидаги "Реверстрой" кўп тармоқли ишлаб чиқариш фирмасининг экскаватор машинисти, Қорақалпоғистон Республикаси

**Мирзаева Рано Тахтамуратовна** — Мирзо Улуғбек туманидаги "Боз биринчи коммунал" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Тошкент шаҳри

**Мусаходжаев Дильшат Васикович** — Учтепа туманидаги "Камрон сервис" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Тошкент шаҳри

**Мухамедалиев Махмуд Даминович** — Собир Раҳимов туманидаги "3-автобус саройи" очиқ акциядорлик жамияти ҳайдовчиси, Тошкент шаҳри

**Нажметдинов Гафур Насретдинович** — Ғиждувон тумани телекоммуникация боғламасининг қишлоқ телефон тармоғи электрмеханиги, Бухоро вилояти

**Назирханова Мухаббат Башировна** — Шайхонтоҳур туманидаги "Ибн Сино — Нур" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Тошкент шаҳри

**Нуритдинова Замира Маннабовна** — Избоскан туманидаги "Меҳрибоғ" хусусий биолабораторияси мудири, Андижон вилояти

**Нурматов Ҳикматулла Худайбердиевич** — Қўшработ туманидаги "Жўш" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Самарқанд вилояти

**Одилова Халимахон** — Фарғона шаҳридаги "Бинокор" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси

**Ортиков Камол Темирович** — "Шофиркон пахта тозалаш заводи" акциядорлик жамиятининг тола прессловчиси, Бухоро вилояти

**Пармонов Абдулла Усмонович** — Косонсой туманидаги Мирзо Абдулатиф номли фермер хўжалиги сувчиси, Наманган вилояти

**Пирназаров Барликбай Сейтназарович** — Мўйноқ тумани ўрмон хўжалигининг тракторчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Пирназаров Тўрақул Жўрақулович** — "Қоракўл пахта тозалаш" очиқ акциядорлик жамиятининг созловчиси, Бухоро вилояти

**Пирнапасов Сафар Наврўзович** — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг бўлим бошлиғи

**Раджапова Хасият Тураевна** — Термиз туманидаги "Янгиариқ" сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг биолаборатория мудири, Сурхондарё вилояти

**Разикова Парида Гуламовна** — "Сувсоз" давлат унитар корхонасининг Юнусобод туманидаги "Бўз-сув" бош сув иншооти тозалаш бўлимининг оператори, Тошкент шаҳри

(Давоми 3-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг
## ФАРМОНИ
# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ЕТТИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-2-бетларда).

**Рахимов Камил** — Қўшкўпир туманидаги М. Рахимов номли муқобил машина-трактор паркининг механизатори, Хоразм вилояти

**Рахимов Собир Сохибович** — "Тошкент иссиқлик электр станцияси" унитар корхонасининг смена бошлиғи, Тошкент вилояти

**Рахматуллина Эльвира Фатхлисмановна** — Бектемир туманидаги "Амодея-сервис" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Тошкент шаҳри

**Рахмонов Эргаш Мейлиевич** — "Жанубгазтаъминот" унитар корхонасининг Деҳқонобод туман филиали пайвандчиси, Қашқадарё вилояти

**Сабиров Мухамаджан Рустамович** — Хива туманидаги "Хива қурилиш сервис" хусусий корхонаси бошлиғи, Хоразм вилояти

**Салихов Шавкат Каримович** — Сергели туманидаги "Тошкент рангли металл парчаларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи" акциядорлик жамиятининг катта устаси, Тошкент шаҳри

**Саматов Абирқул Назарқосимович** — Жиззах шаҳридаги "Сокин-Жахон" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси

**Саттаров Абдурашит Лапасович** — Булунғур туманидаги "Феруз" фермер хўжалиги бошлиғи, Самарқанд вилояти

**Сохибов Худойназар Бобоназарович** — "Шарғункўмир" очиқ акциядорлик жамиятининг бульдозер ҳайдовчиси, Сурхондарё вилояти

**Сулаймонов Абдурахим Бойболаевич** — Олтиариқ туманидаги "11-автокорхона" очиқ акциядорлик жамиятининг ҳайдовчиси, Фарғона вилояти

**Сулайманова Хамрожон Аминжоновна** — "Фарғона иссиқлик электр маркази" акциядорлик жамиятининг цех аппаратчиси, Фарғона вилояти

**Султанова Окилжан Атажановна** — "Мурувват-Текс" шўъба корхонасининг Гурлан фабрикаси ип йигирувчиси, Хоразм вилояти

**Султонов Абдуллажон Мухаммаджонович** — Тошкент туманидаги "Ифтихор" маҳалла фуқаролар йиғинининг посбонлар сардори, Тошкент вилояти

**Султанов Махмудали Рустамович** — Ҳамза туманидаги "2-автобус саройи" акциядорлик жамияти ҳайдовчиси, Тошкент шаҳри

**Тагаева Гульхумар Эргашевна** — Учқўрғон туманидаги "Гулхумор" фермер хўжалиги бошлиғи, Наманган вилояти

**Таджиев Бахадир Салиҳович** — С.Раҳимов туманидаги "3-автобус саройи" акциядорлик жамияти ҳайдовчиси, Тошкент шаҳри

**Ташбаев Туйчибай Казакбаевич** — Юқоричирчиқ туманидаги "Арганчи универсал сервис" муқобил машина-трактор паркининг механизатори, Тошкент вилояти

**Темиров Бобаяр** — Пастдарғом туманидаги "Истиқлол" машина-трактор парки" давлат акциядорлик жамиятининг бош оператори, Самарқанд вилояти

**Темирова Ойша Чулиевна** — Бухоро шаҳридаги "Заркон" масъулияти чекланган жамиятининг зардўз устаси

**Тиллаев Абдумажид Халкузиевич** — "Гулистон пахта тозалаш" очиқ акциядорлик жамиятининг қурилиш бўлими ишчиси, Сирдарё вилояти

**Турдиева Озода Хожиевна** — Қизилтепа туманидаги "Қизилтепа манғити" фермер хўжалиги пиллачиси, Навоий вилояти

**Турсунов Абдуали Абдуазизович** — "Сирдарё-Телеком" филиалининг Гулистон туман телекоммуникация боғламаси етакчи муҳандиси

**Тўйчиев Абдусалом Рўзиевич** — Наманган туманидаги "Машина-трактор парки" акциядорлик жамиятининг комбайн оператори

**Тўлаганов Хурсанали Махаматович** — Паркент туманидаги йўл хўжалиги пудрат, таъмирлаш-фойдаланиш корхонасининг механизатори, Тошкент вилояти

**Улмасов Хакимжон** — "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси "ЎзСэМюнг" қўшма корхонасининг прессловчиси

**Умаров Отабек Саидкамилович** — "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясининг бўлим бошлиғи, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилоти раҳбари

**Умбетов Курбанали** — Қуйичирчиқ туманидаги "Дўстобод" масъулияти чекланган жамиятининг ҳайдовчиси, Тошкент вилояти

**Умматов Рустам Тургунович** — "Улуғнор-Мазгилсой" ирригация тармоқлари бошқармасининг Улуғнор бўлими гидротехниги, Андижон вилояти

**Урунова Дилбар Бозоровна** — Қарши туманидаги "Лағмон" маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Қашқадарё вилояти

**Файзиев Азамжон Ахмадович** — Янгиер шаҳридаги "Темир йўл хўжалиги" масъулияти чекланган жамиятининг машинисти, Сирдарё вилояти

**Фахриддинов Хуснутдин** — Сергели туманидаги "4-автобус саройи" акциядорлик жамияти ҳайдовчиси, Тошкент шаҳри

**Хайдаров Собир Сайфуллаевич** — Бухоро шаҳридаги "Нодирабегим" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси

**Хайдарова Наргиза Хусановна** — Балиқчи туманидаги Алишер Навоий номли ип-йигирув ва тўқув акциядорлик жамиятининг йигирувчиси, Андижон вилояти

**Хайтбаев Суннат Маматович** — Жиззах шаҳридаги "UZI Жиззах" Ўзбекистон-Индонезия қўшма корхонасининг пайвандчиси

**Хакимов Абдукохор Абдивахидович** — "Ўзтемирйўлмаштаъмир" унитар корхонасининг "Андижон механика заводи" шўъба корхонаси устаси

**Халилов Ахмад Абдуллаевич** — Наманган шаҳридаги "Электр қурилмалари" ишлаб чиқариш корхонасининг электрпайвандчиси

**Хашимова Мавлюда Тахировна** — Республика Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг бошқарма бошлиғи

**Холлиев Шерали Ибрагимович** — Шўрчи туманидаги "Култепа-Тўла-Шўрчи" муқобил машина-трактор паркининг тракторчиси, Сурхондарё вилояти

**Холмирзаев Исроилжон Юсупжонович** — Марҳамат тумани йўл хўжалиги пудрат, таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси автогрейдерчиси, Андижон вилояти

**Худайназарова Норжан Низамовна** — Янгиобод туманидаги "Баландчақир" маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Жиззах вилояти

**Хужаназаров Гулом Бойmamатович** — "Ғарбгазтаъминот" унитар корхонасининг Навбаҳор туман филиали чилангари, Навоий вилояти

**Шаропов Абдукодир Абдурахимович** — Фарғона механика заводининг йиғувчи-чилангари, Фарғона вилояти

**Шатохина Лариса Ивановна** — Жиззах вилояти статистика бошқармасининг бўлим бошлиғи

**Шерозов Туроб Хонович** — "Ўзтрансгаз" акциядорлик компаниясига қарашли "Газлимагистралгазқувурлари" бошқармасининг машинисти, Бухоро вилояти

**Шодиев Ориф Жураевич** — "Электркимёзаводи" қўшма корхонаси ёпиқ акциядорлик жамиятининг смена устаси, Навоий вилояти

**Шодмонова Улбуви Рўзимуродовна** — Оқдарё туманидаги "Дилноз" хусусий корхонаси директори, Самарқанд вилояти

**Шоев Салим Акбарович** — Ҳамза туманидаги "Келажак сервис" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Тошкент шаҳри

**Элиев Тўрақул Назарович** — Миришкор туманидаги коммунал хизмат кўрсатиш корхонаси ишчиси, Қашқадарё вилояти

**Эшбобоев Сайфулла** — "Яккабоғ" геофизика экспедицияси кўчма сейсмо қурилмаси оператори, Қашқадарё вилояти

**Эшбуриев Бахтиёр** — Навоий шаҳридаги "Сифат" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси

**Эшимов Содиқ** — Бандихон туманидаги "Оқ олтин" фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

**Юсупова Хажира** — Амударё туманидаги "Қипчоқ" хўжалик ҳисобидаги биолаборатория мудири, Қорақалпоғистон Республикаси

**Ярашов Жура Ибадуллаевич** — Нишон туманидаги "Умид" фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

**Ўрунов Қосим Тоғаевич** — Қизириқ туманидаги "Жавоҳирли Гиламбоб" фермер хўжалиги тракторчиси, Сурхондарё вилояти

**Қахрамонов Сафар Кушалиевич** — Иштихон тумани йўл хўжалик пудрат, таъмирлаш-фойдаланиш корхонасининг бригада бошлиғи, Самарқанд вилояти

**Қодиров Абдихамит Халилович** — "Қуйи Норин" ирригация тизими бошқармасининг гидроучасткаси бошлиғи, Наманган вилояти

**Ғапурова Райхон Ядгаровна** — Китоб туманидаги якка тартибдаги тадбиркор-зардўз, Қашқадарё вилояти

**Ҳамидов Ғайрат Нематович** — Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Пешку тумани Кенгаши раиси, Бухоро вилояти

**Ҳамроев Турғун Шукурович** — Тайлоқ туманидаги "Машина-трактор парки" давлат акциядорлик жамиятининг механизатори, Самарқанд вилояти

**Ҳидирова Мехринисо Бойназаровна** — Каттақўрғон туманидаги "Саройқўрғон" қишлоқ фуқаролар йиғини котибаси, Самарқанд вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 27 август

# ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

кун тартибига киритилаётган масалалар муҳокама қилинди.

Мажлисларда юқори палатанинг бўлажак анжуманида кўриб чиқиш учун жамиятимиз ҳаётидаги бунёдкорона ўзгаришларни, хусусан суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотларини янада чуқурлаштиришга ва жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларини либераллаштиришга, фуқароларни ижтимоий суғурталаш тизимини ривожлантиришга, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий-ҳуқуқий муҳофазасини кучайтиришга, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришга, корпоратив бошқарув самарадорлигини оширишга ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни такомиллаштиришга йўналтирилган қонунлар киритилаётганлиги қайд этиб ўтилди.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш мамлакатимиз мустақиллиги эълон қилинган дастлабки кунларданоқ устувор вазифа деб белгилаб олинган бўлиб, ана шу йўналишдаги давлат сиёсатини ҳар тарафлама амалга оширишга қаратилган «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини Сенатнинг ўн бешинчи ялпи мажлисида кўриб чиқиш тўғрисидаги масала ҳам сенаторлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг музей ишини такомиллаштиришга ва барча музей муассасаларининг фаолиятини, уларнинг мулк шаклидан қатъи назар, тартибга солишга, халқимизнинг бебаҳо маънавий ва маданий бойликларини ягона ҳуқуқий тизим доирасида ҳисобга олиш, сақлаш, тиклаш ҳамда келажак авлодга етказишга қаратилган «Музейлар тўғрисида»ги янги Қонуни қабул қилиниши муҳим эканлигини қайд этиб ўтдилар.

Ялпи мажлисда кўриб чиқиладиган қонунлар орасида Ўзбекистон Республикасининг айрим халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилишига оид қонунлар алоҳида ўрин тутади. «Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида 2002 йил 7 июнда Санкт-Петербург шаҳрида (Россия Федерацияси) имзоланган Минтақавий аксилтеррор тузилмаси тўғрисидаги Битимга ўзгартишлар киритиш ҳақидаги Баённомани (Бишкек, 2007 йил 16 август) ратификация қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукумати ўртасида уюшган жиноятчилик, терроризм ва жиноятчиликнинг бошқа хавфли турларига қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Абу Даби, 2008 йил 17 март) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг маъқулланиши ҳамда мазкур халқаро ҳужжатларга қўшилиш мамлакатимизнинг минтақавий хавфсизликни таъминлаш, халқаро терроризмга, трансмиллий жиноятчиликка, гиёҳвандлик воситаларининг қонунга хилоф муомалотига, Марказий Осиё минтақасида ва унинг сарҳадларидан ташқарида тинчлик ҳамда барқарорликка бўлган бошқа таҳдидларга қарши кураш соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, Ватанимиз фуқароларининг осойишта турмуш ва бунёдкорона меҳнат қилишга бўлган асосий ҳуқуқи ишончли ҳимоя этилишини таъминлаш тарафдори эканлигини яна бир карра тасдиқлайди.

Мажлисларда сенаторларнинг 2008 йилнинг ўтган давридаги иш якунлари ҳам кўриб чиқилди ва Сенат қўмиталари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар қабул қилинди.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**

# ЮТУҚЛАРГА КАМАРБАСТА ҚОНУНЛАР

## Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига дахлдор 20дан зиёд масалаларни кўриб чиқишади. Сенаторлар учун мазкур анжуман ўзига хос сарҳисоб, эришилган ютуқ ва камчиликларни баҳолаш, халқимизнинг фаровонлигига хизмат қиладиган қонун ҳужжатларини муҳокама этиш, уларнинг аҳоли манфаатига нечоғли мос эканлигини яна бир карра назардан ўтказишга замин яратади.***

***Мухбиримиз ялпи мажлис олдидан қўмиталар йиғилишларида иштирок этган айрим сенаторларнинг энг улуғ, энг азиз байрамимиз остонасида кўнглидан ўтказаётган ўй-фикрлари, бу галги мажлисда кўриладиган масалалар хусусида суҳбатлашди.***

**Эгамберган КАРИМОВ, Урганч автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежи директори:**

— Истиқлолимизнинг ўн еттинчи йили хотирамда бир умр муҳрланиб қолади, десам муболаға бўлмайди. Чунки Юртбошимиз куни кеча Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратимизни юксалтириш, ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда давлатимиз ва халқимиз олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий соҳадаги кўп йиллик қаҳрамонона меҳнати, бебаҳо маданий-маънавий меросимизни сақлаш ва ривожлантириш ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида, ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қатор юртдошларимизни давлатимизнинг энг нуфузли мукофоти — Ўзбекистон Қаҳрамони унвони ҳамда олий нишон — "Олтин юлдуз" медали билан тақдирлаш ҳақидаги ҳужжатга имзо чекдилар... Ана шулар орасида менинг ҳам номим борлигини эшитиб, тўғриси, қувончим дунёга сиғмай қолди. Зеро, бу унвон нафақат менга, балки коллежимизга, мамлакатимиз таълим тизими фидойиларига берилган баҳодир. У, ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон таълим соҳасида беқиёс ишлар амалга оширилаётганига ишора.

Истиқлол йилларида инсон ва унинг меҳнатини қадрлаш юксак даражага кўтарилди. Кимки юрт равнақи йўлида Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган ўзгариш ва янгиланишларга ҳисса қўшар экан, албатта, обрў топди, қадр кўрди. Бу эътибор вилоятимизда бажараётган ишларимиз кўламини янада кенгайтиради, шижоатимизни, ёшлар таълим-тарбиясидаги масъулиятимизни юксалтиради.

Бугун ялпи мажлисда жойлардаги манфаатларни ифода этибгина қолмасдан, мана шу унвон, шу юксак ишонч нуқтаи назаридан ҳам кун тартибидаги масалалар муҳокамасига киришамиз. Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ҳам ушбу анжуманда муҳим ҳужжатни — "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 29-моддасига қўшимча киритиш ҳақида"ги Қонунни сенаторлар эътиборига ҳавола этмоқда.

**Гулсанам ШОКАРИМОВА, Чуст туманидаги "Гулшан" фермер хўжалиги раҳбари:**

— Истиқлолнинг 17 йиллигини юртдошларимиз каби наманганликлар ҳам улкан ютуғу салмоқли натижалар билан кутиб олаяптилар. Байрамни бундай шукуҳ, қувонч билан нишонлашнинг замирида вилоятда бажарилаётган ишларнинг кўлами, залвори мужассам, десам адашмайман. Биргина мисол, ўтган ярим йил ичида ялпи ички маҳсулот ҳажми 110,6 фоизни ташкил этди. Унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг улуши сезиларли даражада — 62,9 фоизга ўсди. Бу эса, истиқлол ана шу қатлам вакилларига беқиёс имконият эшикларини очаётганидан далолатдир.

Шу боис, Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси томонидан ялпи мажлис муҳокамасига киритилаётган ҳар бир қонунни пухта ўрганишга, унинг наманганликларга нима беришини тушунишга ҳаракат қиламан. Зеро, зиммамиздаги вазифаям, Мустақиллик имкониятлариям биз, сенаторлардан мана шундай саъй-ҳаракатларни тақозо этмоқда. Хусусан, бу галги ялпи мажлис ишида сенаторлар томонидан кўриб чиқиладиган "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мана шундай масъулият билан қараяпмиз. Зеро, бугун юртимизда 2 мингга яқин акциядорлик жамияти, 1,2 миллионга яқин акциядорнинг борлиги ҳам шундай эътиборни талаб этади.

Бир сўз билан айтганда, сенаторлар бугун турмушимиз учун долзарб қонунларни муҳокама этишади. Албатта, улар маъқуллангач, истиқлол йилларида эришган ютуқларимиз ва натижаларимизни янада мустаҳкамлашга пойдевор бўлади.

**Қ. ХИДИРОВ.**

***Энг азиз, энг улуғ айём — Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги арафасида Навоий аэропортига "Korean Air" авиакомпаниясининг биринчи юк самолёти келиб қўнди. Ушбу компания Жанубий Кореянинг ҳаво транспортида юк ташиш соҳасида етакчи ўринни эгаллайдиган йирик "Ханжинг групп" холдинги таркибига киради. Навоий аэропорти базасида кореялик ҳамкорлар билан биргаликда халқаро логистика маркази барпо этилади.***

# НАВОИЙ АЭРОПОРТИ ГЛОБАЛ АВИАТАШИШЛАР ТАРМОҒИГА ҚЎШИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида иқтисодиётимизнинг соҳа ва тармоқларини барқарор, мутаносиб ва комплекс ривожлантиришнинг энг муҳим омили бўлмиш транспорт-коммуникация инфратузилмаси жадал тараққий эттирилишини таъкидлаган эди.

Ўзбекистон Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашгани учун ҳам мамлакатимиз, айниқса, транзит соҳасида катта транспорт салоҳиятига эга.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда халқаро транзит имкониятларидан фойдаланиш ва халқаро транспорт коммуникациялари тизимларида ҳар тарафлама иштирок этиш учун барча қулай шарт-шароитлар яратилган. Бу миллий компаниялар учун ҳам фойдали бўлиб, уларга кенг кўламли корпоратив логистика тизимларини барпо этиш учун қулайликлар туғдиради. Шу сабабли республикамизда авиа ва авто транспортда юк ташиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда мамлакатимиз ва хорижий компанияларга логистика хизматларини кўрсатиш механизмини ривожлантириш фойда келтиради. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 12 фоизи транспорт тармоғи улушига тўғри келади. Мамлакатимизда товарлар ва хизматлар экспорти ҳамда импорти ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда. Шунинг учун ҳам логистика марказларини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Навоийда Жанубий Корея ишбилармонлари иштирокида дастлабки ана шундай марказ пайдо бўлади.

Навоий аэропорти реконструкция қилинганидан сўнг халқаро мақомга эга бўлди. Қисқа вақт ичида узунлиги тўрт километрдан зиёд учиш-қўниш йўлаги модернизация қилинди, Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти – ИКАО талабларига жавоб берадиган янги ёруғлик сигнализацияси ва аэронавигация ускунаси ишга туширилди. Бу, ўз навбатида, об-ҳаво шароитидан қатъи назар, кечаю кундуз барча турдаги ҳаво кемаларини қабул қилиш имконини беради. Бундан ташқари, парвозларни бошқариш бўйича замонавий тизим йўлга қўйилди, ҳар қандай об-ҳаво шароитларида ҳам турли хил оғирликда юк кўтарадиган лайнерларнинг учиши ҳамда қўниши учун барча шарт-шароит ҳозирланган. Аэропорт барча зарур янги техника воситалари билан таъминланган.

Энди аэропорт ҳудудида замонавий логистика хизматлари кўрсатадиган мажмуа барпо этилади. Бунинг учун Навоийнинг танлангани бежиз эмас. Негаки, у географик жиҳатдан Европа ва Осиё ўртасида барқарор авиаташишлар учун қулай ерда жойлашган. Бундан ташқари, бу ердан халқаро транспорт йўлаклари, халқаро автомобиль йўллари, трансконтинентал темир йўл ўтган, Марказий Осиё давлатларининг Европа ва Осиё билан юк ташиш ҳажми ҳам тобора ортиб бораётир. Шунингдек, бу ерда мамлакатимизнинг катта экспорт салоҳиятига эга йирик саноат мажмуи жойлашган, турли хил қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилади.

...Навоий аэропорти байрамона безатилган. Карнай-сурнай садолари янграмоқда. Жанубий Кореядан ташриф буюрган делегация аъзолари гуллар билан кутиб олинади. Бу ерга биринчи "Боинг-747-F" юк самолётининг қўниши муносабати билан митинг бўлиб ўтди. Унда "Ханжинг групп" холдинги ва "Korean Air" авиакомпанияси раиси Чо Янг Хо сўзга чиқди.

— Мен Президент Ислом Каримовга ушбу лойиҳани қўллаб-қувватлагани учун миннатдорлик изҳор этаман, — деди Чо Янг Хо. — Лойиҳа иштирокчилари унинг муваффақиятли якунланишига қатъий ишонади. Бу ерда кўзланган мақсадларга эришиш учун барча шарт-шароит яратилган. Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан биргаликда Буюк Ипак йўли чорраҳасида Марказий Осиёда биринчи минтақавий замонавий интермодаль логистика марказини барпо этамиз. Бу марказ мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг яна бир тасдиғи бўлади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Ўзбекистон-Жанубий Корея муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилган. Олий даражадаги мунтазам учрашувлар эса мамлакатларимизнинг ҳамкорликни янада такомиллаштиришга интилаётганидан ёрқин далолатдир.

Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай шароитлар, имконият ва преференциялар Жанубий Корея ишбилармон доираларининг мамлакатимизга бўлган қизиқишини янада кучайтирмоқда.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси билан "Korean Air" ўртасида имзоланган Ўзаро англашув тўғрисидаги меморандумда Навоий аэропорти базасида халқаро логистика марказини барпо этиш, ундан Жанубий Кореялик ҳамкорларнинг фойдаланиши, "Korean Air" авиакомпанияси у орқали мультимодаль ташишларни амалга ошириши билан боғлиқ масалалар келишиб олинган.

Навоий аэропортида ушбу логистика маркази фаолиятини жонлантириш хорижий сармояларни самарали жалб этиш, шунингдек, мамлакатимиз саноатининг бошқа тармоқларини ҳам ривожлантириш имконини беради. Жанубий Корея авиакомпанияси Европа йўналишидаги ўз қатновларининг бир қисмини Навоий орқали амалга оширади, йўловчи ва юк ташиш самолётлари қатновини кўпайтиришга қаратилган глобал тармоқни ташкил этиш, барча зарур логистика инфратузилмаси, Навоий аэропортига туташ ҳудудларда саноат мажмуаларини барпо этиш ва ишлаб чиқариш корхоналарини жалб қилишга ёрдам беради. "Korean Air" ўзининг глобал юк ташиш тармоғидан фойдаланган ҳолда, Ўзбекистондан экспортни кўпайтиришга кўмаклашади. Бундан ташқари, аэропортнинг очиқ майдонларида саховатли заминимизда етиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг кўргазмаси ҳам намойиш этилди.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси Жанубий Кореянинг "Korean Air" авиакомпанияси билан ҳамкорликда яқин вақт ичида мамлакатимиз ичида ва хорижда юк ташиш йўналишларини ташкил этади. Улар Навоий аэропортини улкан халқаро логистика марказига айлантиришга ёрдам беради ва бу ер минтақавий юкларни сақлайдиган ҳамда товарлар ва хизматларни тақсимлайдиган муҳим жойга айланади.

Шундай қилиб, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси ва Жанубий Кореянинг "Korean Air" авиакомпанияси ўртасида консалтинг хизматларини кўрсатиш тўғрисида шартнома имзоланди. Унда логистика марказини қуриш ва унинг фаолият юритиши, Навоий аэропортига хизмат кўрсатиш бўйича икки томонлама ҳамкорликнинг турли шакллари кўзда тутилган.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов иштирок этди.

**В. НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
Тошкент — Навоий — Тошкент.


**Республика Кўчмас мулк биржаси Сирдарё вилояти филиали**

**нархлари босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг 2008 йил 10 апрелдаги 2-35-сонли ижро варақасига асосан Гулистон шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Мирзаобод тумани «Дони» божхона омборхонасида сақланаётган «BMW-X5» русумли, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, соз ҳолатдаги автомашина қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 81 500 800 сўм.***

Аукцион савдоси Гулистон шаҳри, 3-мавзе, «Бизнес маркази» биносининг мажлислар залида 2008 йил 11 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган автотранспорт воситасини суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Сирдарё вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт: 20210000900571452054, Миллий банк Гулистон шаҳар бўлими, МФО 00363, ИНН 200933850.

**Қўшимча маълумот учун телефонлар: (8-367) 226-28-93, 226-38-91.**

## «Алп Жамол банк» жамоаси



юртдошларимизни, мамлакатимиз меҳмонларини, ўз акциядорлари ҳамда мижозларини энг улуғ ва энг азиз байрам —

**Истиқлолимизнинг 17 йиллик**

айёми билан муборакбод этади!

*Барчага чин дилдан мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва фаровонлик, Ўзбекистонимиз янада гуллаб-яшнаши йўлидаги фидокорона ишларингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилайди.*



**Мустақилликнинг ҳар бир куни ҳар бир хонадонга қувонч, қут-барака ва омад келтирсин!**

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 72-сонли лицензияси.*

1256Н/1326

---

BRITISH AMERICAN TOBACCO UZBEKISTAN

«Бритиш Америкаи Тобакко Ўзбекистон» компанияси Ўзбекистон халқини

*Мустақиллик байрами билан табриклайди!*

Тинчлик, иқтисодий барқарорлик ва фаровон ҳаёт сизларга ҳамиша ҳамроҳ бўлсин!

---

TEXACO

**«Ўз-Тексако» ҚК Ўзбекистон халқини Мустақиллик байрами билан табриклайди!**




Маҳсулот сертификатланган

**Tel.: 120 67 76 www.uztexaco.com**

---

## «Навоийазот» ОАЖ жамоаси

**барча юртдошларимизни яқинлашиб келаётган қутлуғ айём —**



**Мустақилликнинг 17 йиллиги билан самимий қутлайди.**

*Сизларга мустаҳкам соғлиқ хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, дастурхонингизга қут-барака, бахту саодат тилайди.*

*Жонажон Ватанимиз равнақи йўлидаги интилишларингизда зафар ёр бўлсин!*



▼ Тадбир

*Хонқа тумани марказида «Оилавий ансамбллар» кўрик-фестивали бўлиб ўтди.*

## Оилавий ансамбллар — саҳнада

Тадбир Хоразм вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази томонидан ташкил этилди. Унда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан оилавий ансамбллар қатнашдилар.

Урганч шаҳридан Бобожоновлар оиласи танловнинг вилоят босқичи ғолиби бўлди. Ижодкор оила кўрик-фестивалнинг республика босқичига йўлланма олди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 17 ЙИЛЛИГИГА**

«DOKTOR-SERVIS» 30 августни

**«САЛОМАТЛИК КУНИ»**

деб эълон қилади.

**Барча хизматлар — БЕПУЛ.**

Тел.: 277-00-00, 288-50-00.
e-mail: doktor@sarkor.uz
Хизматлар лицензияланган.



**«Тошкент универмаги»**

*очиқ акциядорлик савдо ишлаб чиқариш жамияти*

*энг улуғ ва энг азиз байрам — Ўзбекистон Мустақиллигининг*

*17 йиллиги*

*билан барча юртдошларимизга эзгу тилакларини йўллайди ва сиз азизларни шу муносабат билан ташкил этилган байрамолди савдосига таклиф этади.*



*«Тошкент универмаги»га марҳамат!*

Манзил: Тошкент шахри, «Ўзбекистон» шоҳкўчаси, 17-уй.
Мўлжал — Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри.



UTBANK
UZBEKISTAN-TURKISH BANK

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ ҚЎШМА БАНКИ

**«ЎТ БАНК»**

*Ҳурриятимизнинг 17 йиллик айёми, энг юксак шодиёна — Мустақиллик байрами билан Ўзбекистон халқини муборакбод этади!*





*Юртдошларимиз учун орзиқиб кутилган энг азиз ва энг улуғ байрам барчага шодлик олиб келсин!*

*Шу улуғ кунда амалга оширилаётган ҳар бир эзгу амалларимиз халқимиз, юртимиз келажаги, равнақи ва ривожи учун хизмат қилсин!*

*Бош мақсадимиз — озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш сари илдамлаётган меҳнаткаш халқимизга эркинлик нашидасини ато этган Мустақиллик байрами муборак бўлсин!*



**O'ZKABEL**

АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!
МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ КАБЕЛЬ-СИМ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЙИРИК ЗАВОД – «O`ZKABEL» ЖАМОАСИ РЕСПУБЛИКАМИЗ АҲОЛИСИНИ МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 17 ЙИЛЛИГИ БИЛАН САМИМИЙ КУТЛАЙДИ!
БАРЧАНГИЗНИ ЭЗГУ НИЯТЛАР АСЛО ТАРК ЭТМАСИН, ТИНЧЛИК, БАХТ, ШОДЛИК ДОИМО ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛСИН, МАМЛАКАТИМИЗ ЭСА ЯНАДА ГУЛЛАБ-ЯШНАСИН.

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН, 17 ЁШИНГ МУБОРАК!



«O`ZKABEL» ОАЖ ҚК, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100041, Дўрмон йўли кўчаси, 2-уй.
Тел./факс: (+99871) 262-02-86, 262-13-33.
marketing@uzkabel.uz www.uzkabel.uz



ХУСУСИЙ ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ — «RAVNAQ-BANK»

RAVNAQ-BANK



кўп миллатли Ўзбекистон аҳолиси ва меҳмонларини энг улуғ байрам —

**Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги**

билан чин дилдан табриклайди!

*Ушбу байрам кунларида барчангизга тинчлик ва осойишталик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, ишингизда омад тилаб қоламиз!*

**«RAVNAQ-BANK» – СИЗНИНГ РАВНАҚИНГИЗ ЙЎЛИДА!**

**Буюк байрам — Мустақиллик куни шарафига йиллик 18% фоиз тўлови билан янги «Мустақиллик-17» омонат турини таклиф этамиз.**

Барча омонатлар Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 2-уй.
Тел.: (998 71) 244-90-10, 244-07-53.

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.


*Муҳтарам газетхон! Газетамизнинг ушбу сонидаги қўшсаҳифа бепул илова қилинмоқда.*

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАТК

## «ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ» ОАЖ

ЖАМОАСИ

*Ўзбекистон аҳолисини*

***Мустақилликнинг 17 йиллиги***

*билан чин дилдан муборакбод этади!*

*Сизларга тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат, хонадонингизга қут-барака тилаймиз!*



Компаниямиз хизматидан фойдаланаётган республикамиз аҳолиси ва меҳмонлари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Сизларни Ўзбекистон темир йўллари йўловчилари қаторида кўришдан ва сизлар учун янги йўналишлар очишдан беғоят хурсандмиз.



*Сизларни тезюрар «REGISTON», «SHARQ» ва «NASAF» поездларимиз хизматидан фойдаланишга таклиф этамиз.*

**Оқ йўл!**

***Биз билан бирга бўлинг!***

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Маълумот олиш учун қуйидаги телефон орқали мурожаат қилинг: 140-05-55. www.uzrailpass.uz

---

## «Ўзэлектроаппарат-Электрощит» ОАЖ

Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасининг жамоаси

серқуёш ўлка халқи ва меҳмонларини ҳар бир ўзбекистонлик қалбига яқин бўлган улуғ байрам —

**Мустақилликнинг 17 йиллиги**

билан самимий муборакбод этади!



Барчангизга соғлиқ-саломатлик, тинчлик ва хотиржамлик, оилавий бахт, омад ва зафарлар ёр бўлсин, азизлар!

---

## «Asia Inshurans»

*sug'urta kompaniyasi*

sizni O'zbekiston Respublikasi Mustaqilligining

**17 yillik bayrami bilan samimiy tabriklaydi!**



*Sizga mustahkam sog'liq, ezgulik va farovonlik tilaymiz!*

ASIAINSHURANS
суғурта компанияси

---

*Ҳурматли юртдошлар!*

## «Асака» банки

ASAKA BANK

жамоаси

*Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг*

***17 йиллик***

*байрами билан самимий табриклайди.*



*Сизларга ва оила аъзоларингизга тинчлик-тотувлик, сиҳат-саломатлик ва мустақиллигимиз мангу бўлишини тилайди.*

Шу билан бирга, сизларга 27 та миллий ва 17 та хорижий валютада омонат турларини таклиф этади.

Сизнинг омонатларингиз:
- *солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!*
- *маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!*
- *эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!*
- *миқдори чекланмаган!*

Омонатларни «Асака» банкнинг барча филиалларида очишингиз мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: (371) 120-39-81, 120-39-63.

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

**«Асака» банки сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.**

---

ООО «Росагропромснаб» предлагает:

**СЧЕТЧИКИ ГАЗА**
ультразвуковые «Гобой-1»

**СЧЕТЧИКИ ГАЗА**
вихревые СВГ.М



На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия.
Гарантийный срок на поставляемую продукцию – 12 месяцев со дня установки.
Отдельно предприятие поставляет краны, отводы, задвижки и фильтры различных диаметров.

Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, кв-л 6, д. 2 (Ор-р – метро «М. Улугбек»)
Тел./факс: 273-16-40, 276-90-57.

Товар сертифицирован.

---

"INTEGRAL ASIA"

17" мониторли
**Р4 компьютерлари**



**Пул ўтказиш йўли билан ҳамда кредит асосида сотилади.**
«Актив инвест» кредит иттифоқи кўмагида.

Тошкент ш., «Фарғона йўли» к., 13/12,
тел.: 124-30-27, 120-30-27, 120-30-28,
факс: 120-30-26.

Товар сертификатланган.
e-mail: sale@onlineuz.net
www.integr-asia.com

---

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси прокуратура органларида кўп йиллар давомида самарали фаолият кўрсатган

**Сирожиддин МИРСАФОЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

---

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раҳбарияти ва шахсий таркиби қўмитанинг масъул ходими Авазбек Абдуллажоновга падари бузруквори

**АБДУЛҲАМИД отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

Тошкент Архитектура қурилиш институти ректорати ва бирлашган касаба қўмитаси Қурилиш механикаси, иншоотлар зилзилабардошлиги кафедраси доценти

**Шаҳобиддин Муҳиддинович ЁҚУБОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

# «КУЛГИ БОҒИ»НИНГ СОҲИБИ

**_Хоразм томонларда антиқа бир боғ бор. Уни “Кулги боғи” деб атайдилар, боғбони — карикатурачи рассом, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Журналистлар ижодий уюшмасининг аъзоси Қурамбой Отаевдир. Азбаройи санъатга бўлган чексиз меҳри, табиатан кулгисеварлиги, мутойибага мойиллиги боис, у бундан ўн тўрт йил муқаддам шундай боғ барпо қилганди. Бу ерда эл меҳрини қозонган таниқли ҳажвчилар сиймоси акс этган тош ҳайкаллардан тортиб, сўз усталарининг репертуаридан жой олган машҳур ҳангомаларнинг аудио ва видеоёзувларигача бор._**

▼ Санъат

— Халқимизнинг очиқкўнгиллик фазилатини яхши кўраман-да, — дейди ижодкор. — Ҳар қандай мушкул вазиятдан ҳам ҳазил, мутойиба, кулги баҳона чиқиб кетамиз, шу йўл билан табиатимизга хос андиша, одамийлик хислатларини асраб-авайлаймиз. Аслида, рассомчилик олий ўқув даргоҳининг бадиий графика йўналишида таҳсил олганман. Бироқ, денг, ҳазил-ҳангомага мойиллигим сабабли, карикатурачи рассом сифатида танилдим. Шу боис бўлса керак, салкам қирқ йиллик фаолиятимда “Муштум” журнали билан ҳамкорликда ишладим, ҳажвчи қаламкашлар ижодига меҳрим тушди. Машҳур ҳажвчилар, карикатура усталарининг қўлёзмалари, ҳангомалашиб ўтириб, таҳририятнинг ўзида чизган суратларини бебаҳо бойликдай асраб юраман.

Хоразмнинг Янгибозоридаги Бўзқалъа қишлоғи аҳли Қурамбой Отаевнинг бу “хазина”сига катта қизиқиш билан қарайди. Рассом хонадонидан мухлислар, санъат ихлосмандларининг қадами аримайди. Абдулла Қодирий номи билан аталувчи мазкур “Кулги боғи” ҳамда унга туташ “Муштум” уй-музейи кейинчалик ижодкорлар боғи деб ҳам юритиладиган бўлди. Боғда тез-тез ижодий кечалар, санъат аҳли ва мухлисларнинг учрашувлари, тасвирий санъатга оид турли ижодий кўргазмалар ўтказиб турилиши боиси шундан.

Рассом инсонийликка хос хислатларни бениҳоя қадрлайди. Ҳаётда бирор ноҳақликка дуч келса, жим туролмайди. Бундай кезда мўйқаламни қўлга оладию, турмушимиздаги камчилик, нуқсонларни кулги ҳамда ҳазил воситасида ифодалашга киришади. Бу суратларга боқиб, айрим кимсаларга хос иккиюзламачилик, лаганбардорлик, таъмагирлигу субутсизлик сингари иллатлар устидан “тўйгунингча” куласан, киши. Беихтиёр ўз хатоларинг, ҳатто ҳеч қачон тан олишни истамаган нуқсонларинг ҳақида ўйлай кетасан ва бу камчиликларни бартараф







Курамбой ОТАЕВ чизган расм.

этишга аҳд қиласан. Зеро, ижодкорнинг Туркманистон, Россия, Молдова, Украина, Беларусь, Болгария давлатларида ўтказилган фестиваль ва кўргазмаларда юзлаб асари мухлислар қалбидан жой олгани, таҳсинларга сазовор бўлгани ҳам бежиз эмас.

Дарвоқе, яқинда — Истиқлолимизнинг 17 йиллик шодиёнаси олдидан Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида Қурамбой Отаевнинг навбатдаги ижодий кўргазмаси мухлисларга тақдим этилди. Унда ижодкорнинг 70 дан зиёд асари намойиш этилди. Ўзига хос йўналиши билан диққатни жалб этувчи “Бошлиқ”, “Тафтиш”, “Ароқ”, “Хушомад”, “Чорлов” сингари карикатуралар санъат ихлосмандларида чуқур таассурот қолдирди.

— Шогирдимнинг санъат ихлосмандлари орасида шунчалар эъзоз ва эҳтиромга муносиб ижодкор сифатида қадр топганлигидан қувончим чексиз, — дейди Ўзбекистон халқ рассоми Ортиқбой Файзуллаев. — Қурамбойни ўқувчилик йилларидан буён танийман. Ўша кезлар Беньков номидаги тасвирий санъат билим юртида дарс берардим. Бугун унинг ижодига бағишланган кўргазмадаги бетакрор асарларга боқиб, унинг шижоату шиддатга тўла ёшлик дамларини эслаяпман. Қани эди, ижод аҳли орасида шундай жонкуяр, қадамию қаламидан ўт чақнаган санъаткорлар яна ҳам ортаверса...

Ҳажв йўналишидаги икки мингдан зиёд тасвирий санъат асарлари муаллифи, тажрибали рассом Қурамбой Отаев бугун карикатура санъатининг нозик сир-асрорлари борасида истеъдодли шогирдларга сабоқ бермоқда. Унинг ўзига хос, бетакрор ижодий услубини ёшлар қунт ва қизиқиш билан ўрганмоқдалар.

Кулиб яшайлик! Қурамбой рассомнинг кулиб турган кўзлари, истараси ҳамиша шундай деяётгандек туюлаверади. Зеро, у гоҳо ширин, гоҳо кинояли кулги йўли билан, баъзан эса замирида чин ҳақиқат зуҳур топган ҳазилу мутойибалари ила ҳаётий ҳақиқатларни куйлайди, кўнгилларни эзгуликка, ҳалолликка, инсонийлик ва садоқатга ундайди.

**Муборак ОХУНОВА.**

▼ Яхши хабар

## МАКТАБ ЯРМАРКАСИГА МАРҲАМАТ

**_Зангиота туманидаги “Илм шуъласи” масъулияти чекланган жамиятининг идора буюмлари бозорида Тошкент вилояти миқёсида мактаб ярмаркаси очилди._**

Бунинг учун 240 тага яқин турғун ёпиқ бино, 50 та омборхона ажратилиб, 186 та раста ташкил этилди. Уларда тижорат билан шуғулланувчи 14 юридик шахс аҳоли, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари, Меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатларга хизмат кўрсатмоқда. Турли-туман дарсликлар ва ўқув қуроллари нисбатан арзон нархларда савдога чиқарилмоқда. “Илм шуъласи” билан ҳамкорлик ўрнатган тикувчилик фирмаси эса ота-оналар буюртмаси асосида ўқувчилар либосларини тайёрлаб бераётир.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати, мутасадди транспорт ташкилотлари харидорларга қулайлик яратиш мақсадида туман-шаҳарлар билан бозор ўртасида янги йўналишлар очди. Йирик саноат корхоналари эса ўз ишчи-хизматчилари ярмаркага келиб-кетишлари учун алоҳида автобуслар ажратди.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Спорт ● Sport ● Спорт

## Тошкентда халқаро турнир



**_Саноқли кунлардан сўнг пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 17 йиллигига бағишлаб, шахмат бўйича аёллар ўртасида биринчи халқаро турнир бўлиб ўтади._**

Республика шахмат федерацияси ташаббуси билан уюштирилаётган мазкур нуфузли мусобақада дунёнинг бир қатор номдор шахматчи аёллари иштирок этиши кутилаяпти. Ҳозирги кунгача, халқаро гроссмейстерлар Анна Зозуля (Беларусь), Мария Сергеева (Қозоғистон), Елена Левушкина (Германия), халқаро тоифадаги спорт усталари Сирануш Андриасян (Арманистон) ва Гулмира Даулетова (Қозоғистон)лар халқаро мусобақада қатнашиш истагини билдириб ариза беришган.

Халқаро турнирда Ольга Собирова, Юлдуз Ҳамроқулова, Ирина Геворкян, Нафиса Мўминова, Нодира Нодиржонова ва Ҳулкар Тоҳиржонова сингари тажрибали шахматчиларимиз юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

**З. ЖОНИБЕКОВ.**

## Марафон ғолиблари аниқланди

**_Андижоннинг шаҳар ва қишлоқларида Ватанимиз мустақиллигининг қутлуғ шодиёнаси арафасида турли спорт мусобақалари ўтказилмоқда._**

Андижон шаҳрида қишлоқ фуқаролар йиғини жамоалари ўртасидаги оммавий югуриш марафони “Шу азиз Ватан — барчамизники!” шиори остида уюштирилди. Унда юзлаб ҳаваскор спортчилар ўз имкониятларини синовдан ўтказдилар.

Андижон қишлоқ хўжалик институтида эса “Дадам, онам ва мен” деб номланган спартакиада бўлиб ўтди. Якунда Андижон тумани оилавий спортчилари биринчи, Марҳамат ҳамда Олтинкўл тумани вакиллари иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Футбол майдонида — маҳалла жамоалари

**_Қарши шаҳридаги «Насаф» стадиони уч кун давомида футбол ишқибозлари билан гавжум бўлди. Бу ерда «Футболимиз келажаги» республика турнирининг минтақавий босқич мусобақалари ўтказилди._**

15-16 ёшли футболчилардан иборат маҳалла жамоаларининг беллашувида Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари вакиллари иштирок этдилар.

Якунда Қашқадарё вилоятининг «Пахтазор» маҳалласи жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Бухоро вилоятининг Жондор ва Сурхондарё вилоятининг Дўстлик маҳаллалари жамоаларига иккинчи ва учинчи ўрин насиб этди. Бу уч жамоа турнирнинг сентябрь ойида Бухорода ўтказиладиган финал босқичида қатнашади.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Спорт ● Sport ● Спорт

## «ЛАЗГИ» ФОЛЬКЛОР ГУРУҲИНИНГ БЕЛЬГИЯДАГИ МУВАФФАҚИЯТИ

**_Юртимизнинг машҳур «Лазги» фольклор гуруҳи Бельгияда бўлиб ўтган халқаро фольклор рақслари фестивалида муваффақиятли иштирок этди._**

▼ Эътироф

«Edegem-2008» 33-халқаро фольклор рақслари фестивали ташкилий қўмитасининг таклифига кўра, Ўзбекистон санъат усталари — «Лазги» фольклор гуруҳи Эдегем шаҳрида бўлиб ўтган мазкур фестивалда иштирок этди. Анжуман Бельгиянинг «Volkskunstkomitee» ташкилоти томонидан ташкил этилди.

«Лазги» гуруҳи кўплаб нуфузли халқаро фестивалларда иштирок этиб, ўзбек халқининг бадиий ва рақс маданиятини бутун дунёга намойиш қилиб келмоқда.

Фестивалда Бельгия, Ҳиндистон, Испания, Мексика ва бошқа мамлакатларнинг ижодий жамоалари иштирок этди. Аньанага кўра, фестивалнинг биринчи куни иштирокчилар миллий қўшиқ ва рақсларни ижро этган ҳолда шаҳарнинг шоҳкўчаси бўйлаб тантанали чиқишларни амалга оширди. Мусиқа шоуси давомида шаҳар аҳолиси иштирокчиларни илиқ кутлаб, қарсаклар билан олқишлаб турди.

Санъаткорларнинг асосий чиқишлари «Den Willecom» спорт мажмуаси саҳнасида бўлиб ўтди. «Лазги» ансамблининг юртимиз турли воҳалари қўшиқ ва рақсларидан таркиб топган ижодий дастури, Ўзбекистон санъаткорларининг ижро маҳорати ва ёрқин миллий либослари томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Эдегем шаҳри бургомистри К.Снидерсг юртимиз ижодий жамоасининг чиқишлари ҳақида ўз фикрларини ўртоқлашар экан, санъаткорларимизнинг юқори маҳорати ва истеъдодини таъкидлади ҳамда «Лазги» гуруҳига фестивалнинг эсдалик нишонини топширди.

Фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари «Лазги» миллий ансамблининг чиқишларини юксак баҳолади ҳамда гуруҳнинг иштироки уларга ўзбек халқининг бетакрор санъати ва маданияти билан яқиндан танишиш, Ўзбекистоннинг бой аньана ва удумлари ҳақида кўпроқ хабардор бўлишга имкон берганини билдирди.

**А. МУҲАММАДЖОНОВ,**
**«Жаҳон» АА мухбири.**
Брюссель.


МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.



МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

амкодор

(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалиги (МТЗ трактори негизида) техникалари ва махсус техникаларни таклиф этади.



МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас. «МАЗ» ва «АМКОДОР» техникаларига сервис хизмати кўрсатилади.

Манзил: 100005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 291-64-06, 291-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru






MMS юбориш нархлари икки бараварга арзонлаштирилди

Энди ўзингизнинг янги қизиқарли таассуротларингизни дўст ва яқинларингизга икки марта кўпроқ юборишингиз мумкин

МТС абонентлари учун:

• Ўзбекистон бўйича MMS юбориш нархи – $0,05 бир хабар учун.
• 2008 й. 1 сентябрдан халқаро чиқувчи SMS-хабарлар учун ягона тариф ўрнатилди – $0,12 бир хабар учун ва хизмат рёжасини алмаштириш учун янги нарх – $0,20 ҳар бир алмаштиришга

МТС алоқа оператори МТС

Хизматлар лицензияланган



ОРГАНИЗАЦИЯ РЕАЛИЗУЕТ СО СКЛАДА В ТАШКЕНТЕ:

• КОЛЕСНЫЙ ЭКСКАВАТОР
HYUNDAI Robex 170W-7, V ковша — 0,5 м³, двигатель — Mitsubishi





• КОЛЕСНЫЙ ЭКСКАВАТОР
HYUNDAI Robex 200W-7, V ковша — 1 м³, двигатель — Cummins

• ГУСЕНИЧНЫЙ ЭКСКАВАТОР
с удлиненной стрелой HYUNDAI Robex 210LC-7, V ковша — 0,5 м³, двигатель — Cummins





• ГУСЕНИЧНЫЙ ЭКСКАВАТОР
HYUNDAI Robex 210LC-7, V ковша — 1 м³, двигатель — Cummins

Товар сертифицирован

Телефон (998-71) 252-28-95.

УЖЕ В СЕНТЯБРЕ!



INTER-PRESS ОБУНА ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР 119-0000, 119-8383, 155-0955
Тошкент ш., Навоий к.,13 e-mail: book@interpress.uz www.interpress.uz



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 26734 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.45 Топширилди — 00.10 1 2 3 4 5 6 8